

Асл номи Уилям Сидни Портер бўлган америкалик ёзувчи. Аптекачи, сотувчи, китоб безакчиси, ношир ва бошқа касбларда ишлаган; асар, фелъетонлар ёзишни машқ қилган (1896 йилгача), камокдалигида (1897—1901) ёзган хикояларини О’Генри тахаллуси билан яширин чоп эттирган.

1904—10 йилларда 9 новеллалар тўплами («Ёнаётган шам», «Гарб калби», «Ёкимтой ўгри» ва б.), вафотидан кейин яна 7 таси босилиб чиққан. «Кироллар ва карам» (1904) романи саргузашт-юмористик новеллалардан ташкил топган.

О’Генри америка хикоячилигининг ўзига хос типини яратди. Юморнинг кучлилиги, киноя, кийс, пародия каби усулларнинг кўп ишлатилганлиги, энг мухими, муаллифнинг оддий меҳнаткаш — «кичик инсон»га самимий мухаббати, олижаноблик ва софдилликни мадх этиш ва бошқа О’Генри хикояларига оламшумул шуҳрат келтирди («Тўрт миллион», 1909).

Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Г. Гулом («Менинг ўгригина болам»), А. Каххор («Анор») ва бошқа ўзбек хикоячилигини О’Генри ижодининг илгор томонлари билан бойитдилар.

Кишанланган “кўллар”

Денверда Балтимор йўналишидаги экспрессга йўловчилар бир-бирига навбат бермай, шовилганча чиқишарди. Одатдаги шинам вагонларнинг бирига нозик дид билан кийинган, хушрўйгина киз ҳам жойлашди. Эндигина поездга ўтирганлар орасида иккита ёш йигит ҳам бўлиб, бири – келишган, дадил, очик юзли; иккинчиси – нимадандир ташвишланаётгани юзидан билиниб турган, бадковок, бесўнакай, оддий кийимда эди. Бирининг ўнг кўли иккинчисининг чап билагига кишанланган холда турарди.

Икковлон сохибжамолнинг рўпарасидаги бўш ўриндикларга дуч келмагунларича вагон бўйлаб юришди. Ажралмас дўстлар кизнинг рўпарасига, поезд йўналишига карама-карши тарзда ўтиришди. Кизнинг ётсираган, локайд нигохи улар томонга сиргалди, бирдан унинг чехрасида гўзал табассум жилваланди, юмалок ёнокларига кизиллик югурди, кулранг кўлқопдаги нозиккина кўлини олдинга чўзди. Унинг ёкимли ва катъий овози кишини ўзига ром қилар ва барча уни жимгина тингларди, киз ҳам бунга одатланиб қолганди.

– Хўш, жаноб Истон, рухсатингиз билан биринчи бўлиб сўз бошласам. Агар сиз эски дўстларингизни Гарб томонларда учратиб қолсангиз, уларни атай танимаганликка оласизми?

Унинг бу гапидан йигитларнинг ёшроги сесканиб тушди, саросимадан бир зум қотиб қолди, бироқ ўша захоти ўзини кўлга олди ва кизнинг кўлини чап кўли билан ушлаб сўрашди.

– Қандай танимай, – деди у тиржайиб. – Мисс Ферчайлд! Чап кўлим билан сўрашаётганлигим учун маъзур тутинг, ўнг кўлим айна дамда банд.

У хамрохининг чап билагига ажойиб “билагузук” билан кишанланган ўнг кўлини салгина

кўтариб кўйди. Кизнинг кўзларидаги кувонч кучли хайрат билан алмашди. Ёнокларидаги кизиллик ҳам кочди. Лаблари пирпираб кетди. Истон кизик холатни кўргандай мийигида кулиб кўйди, энди гап бошламокчи эди, шериги унинг сўзини огзидан олди. Шу пайтгача бадковок йўловчининг ўткир, зийрак кўзлари кизнинг юз ифидасини зимдан кузатиб келарди.

– Авф этасиз, мисс, кўриб турибманки, сиз шериф билан таниш экансиз. Балки, ундан камокхонага етиб борганимизда мен учун енгиллик беришларини сўраб кўрарсиз. У илтимосингизни рад этмайди. Ахир, у мени Ливенуорд камогига олиб кетяпти. Етти йилга, фирибгарлик учун.

– Ха, гап бу ёкда экан-да!- деди киз чукур тин олиб, унинг юзи бироз кизарди.- Мана нималар билан машгул экансиз! Шериф бўлибсиз-да?

– Мисс Ферчайлд, азизам, нимадир килишим керак-ку,- деди Истон хотиржам.- Пулларни хавога созуриш жуда ҳам осон. Вашингтонда сиз ва мен кабиларни акчасиз бирор нимага эришиши даргумон. Гарбда шундай тасодифлар юз берди-ки, мана мен бу ерда...албатта, оддий шериф учун булар...ех-хе...лекин, хар холда...

– Бунинг бизга кераги ҳам йўк.-тезда жавоб кайтарди киз. – Буларни билишингиз керак эди. Демак, энди сиз ёввойи Гарбнинг чинакам кахрамони, от чоптирасиз, ўк узасиз ва хар бир кадамда сизни хавф-хатар кутиб ётади. Ха, Вашингтонда хаёт ўзгача. Эски танишлар орасида факат сиз етишмаяпсиз.

Киз яна сеҳрлангандек яркираётган кишанга тикилди.

– Сиз бу кишанлар хакида ўйламай кўя колинг, мисс, -деди Истоннинг хамрохи.- Шерифлар доим хибсга олинганларни кочиб кетмасликлари учун ўзлари билан кишанлаб юришади. Мистер Истон ўз ишининг устаси.

– Вашингтонга качон кайтасиз?- сўради киз.

– Тез орада эмас, деб кўркаман,- деди Истон.- Кўриб турибсизки, беташвиш хаёт мен учун тугади.

– Гарб менга жуда ёкади – деди киз. Унинг кўзлари мулойим йилтиради. Киз нигоҳини вагон ойнасига каратди. У тўғридан-тўғри, сода ва равон охангда сўзлай бошлади: – Бу ёзни ойим билан Денверда ўтказдик. Бир hafta аввал ойим уйга кайтиб кетди, чунки, отамнинг товлари кочиб колди. Гарбда маза килиб яшашим мумкин эди. Менимча, бу ернинг хавоси соглик учун жуда фойдали. Колаверса, баъзи одамлар шунчалик ахмокки, улар нотўғри ўйлашади...

– Кулок солинг, бу инсофдан эмас, шериф, – тўнгиллади махбус, – Томогим куриб кетди, бунинг устига эрталабдан бери чекким келяпти. Нахот, сухбатларинг хали-бери тугамайди. Мени чекувчилар вагонига олиб ўтсангиз бўларди. Тамакисиз ўлиб коламан. Бир-бирига кишанланган хамрохлар ўрниларидан туришди. Истоннинг юзида аввалгидек енгил табассум пайдо бўлди.

– Бундай илтимосни рад этиш гунох,- деди у бепарво.- Барча нарсадан махрум бўлганлар учун тамакидан яхши дўст топилмайди. Кўришгунча, мисс Ферчайлд. Нима ҳам килардик, хизматчилик.

У хайрлашиш учун кўлини узатди.

– Афсус, йўлингиз Шарк томонга эмас экан, — деди киз мулойимлик билан.- Лекин, сиз, албатта, Ливенуортга боришингиз шартми?

– Ха, — деди Истон,- боришим шарт.

Икковлон елкадош бўлиб кашандалар вагонига ўта бошлашди.

Орка ўриндикдаги икки йўловчи сухбатни деярли бошдан-оёк эшитиб ўтиришарди.

Улардан бири деди:

– Бу шериф жуда самимий экан. Бу ерларда – Гарбда яхши одамларни кўплаб учратиш мумкин.

– Бундай лавозим учун ёшлик килмасмикан?- сўради иккинчиси.

– Нима учун ёшлик килар экан?- овозини баландлатди шериги. – Менимча...Тўхтанг, сиз нахот тушунмадингиз? Ўзингиз ўйлаб кўринг, кайси шериф махбусни ўзининг ўнг кўлига кишанлайди?

Рус тилидан Саиджалол Саидмуродов таржимаси.